Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2026 йил
18-июнь
1176-сон билан
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ

Опера санъати ижодий бирлашмаси ташаббускорлари таъсис йиғилишининг 2026 йил "___" июндаги ___-сон қарори билан

ТАСДИҚЛАНДИ

ОПЕРА САНЪАТИ ИЖОДИЙ БИРЛАШМАСИ УСТАВИ

Тошкент – 2026 йил

1. Умумий қоидалар

1.1. **Опера санъати ижодий бирлашмаси** (кейинги ўринларда – Бирлашма) опера хонандалари, дирижёрлар, режиссёрлар, либреттонавислар, оркестр созандалари, ёш ижрочилар ва соҳанинг бошқа вакилларининг ушбу Уставда белгиланган мақсад ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган, жамоат бирлашмаси ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотидир.

1.2. Бирлашма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги қонунлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу Устав асосида амалга оширади.

1.3. Бирлашма ихтиёрийлик, ошкоралик, тенг ҳуқуқлилик, ўзини ўзи бошқариш ва қонунийлик тамойиллари асосида тузилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият олиб боради.

1.4. Бирлашма ушбу Устав, қонунларда белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб юридик шахс ҳисобланиб, муҳр ва бурчак штампига, расмий бланкага, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган рамзига, мустақил балансига, тижорат банкларида ҳисоб рақам ва бошқа зарур реквизитларга эга бўлади.

1.5. Бирлашма давлатнинг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Ўз навбатида давлат бирлашма ва унинг аъзолари мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

1.6. Бирлашма аъзолари бирлашмага тўлаган аъзолик бадалларига бўлган ҳуқуқларини сақлаб қолмайдилар. Бирлашма аъзолари бирлашманинг мажбуриятлари учун, бирлашма эса аъзоларининг мажбуриятлари учун жавоб бермайди.

1.7. Бирлашма ва давлат органлари ўртасидаги муносабатлар тегишли қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

1.8. Бирлашма фаолиятидан олинган даромадлар уставда назарда тутилган мақсадлар учун йўналтирилиб, бирлашма аъзолари ва таъсисчилари (ташаббускорлари) ўртасида тақсимланишига йўл қўйилмайди.

1.9. Бирлашма фаолиятининг муддати чекланмаган.

1.10. Бирлашманинг тўлиқ номланиши:

ўзбек тилида: Опера санъати ижодий бирлашмаси;

рус тилида: Творческое объединение оперного искусства;

инглиз тилида: Creative Association of Opera Arts.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI
-2-

Бирлашманинг раҳбар органи жойлашган ери (почта манзили): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 62-уй.

2. Бирлашманинг асосий мақсад ва вазифалари:

2.1. Бирлашманинг асосий мақсади – соҳа вакилларини ижтимоий ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш, шунингдек, маҳаллада, умумтаълим ва мусиқа ҳамда санъат мактабларида соҳага оид танловлар ўтказиш орқали янги-янги истеъдодларни кашф қилиш ҳамда уларнинг ўсишига ёрдам бериш, миллий маданиятимизни тарғиб қилиш ва уни асраб авайлашдан иборат.

2.2. Ўз мақсадларидан келиб чиқиб, бирлашма қуйидаги вазифаларни бажаради:

давлат, жамият ва хусусий сектор буюртмалари асосида миллий ғоя ва юксак бадиий савияга эга бўлган янги опера асарлар, миллий мақом анъаналари (Шашмақом) ва Европа опера санъатини уйғунлаштирган ҳолда "Мақом Опера" янги жанрини яратиш ва уни Ўзбекистоннинг маданий бренди сифатида халқаро майдонда илгари суришга кўмаклашиш;

опера ижодкорларининг жамиятдаги ижтимоий мавқеини кўтариш, уларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимларини (мукофотлар, унвонлар, ижодий грантлар) жорий этиш;

республиканинг барча ҳудудларидан, айниқса чекка туманлардан иқтидорли ёш операчиларни излаб топиш ҳамда уларни касбий йўналтириш;

фахрий ва тажрибали санъаткорлар, профессор-ўқитувчиларнинг билим ва маҳоратини ёш авлодга етказиш мақсадида маҳорат дарслари (мастер-класс) ташкил этиш;

ўзбек опера санъатини нуфузли халқаро фестиваллар, танловлар ва маданий-тадбир дастурларида намойиш этиш, миллий санъат брендини жаҳонга танитишга кўмаклашиш;

бирлашма ҳамда ижодкор ва жамоалар фаолиятини самарали ташкил этиш, уларни доимий молиявий қўллаб-қувватлаб бориш;

бирлашма йўналиши бўйича маҳалла – туман – вилоят – республика даражасидаги танловлар ташкил этиб, янги иқтидорларни аниқлаш;

иқтидорли санъаткор ва ижодкорларни республика, халқаро ва бошқа нуфузли танловларга тайёрлаш;

йил давомида изчил равишда "маҳалла – туман – вилоят – республика" занжири асосида ҳудудий кўрик-танловлар, фестиваллар ташкил этиш;

республиканинг чекка қишлоқ ва туманларидаги болалар мусиқа ва санъат мактабларига таниқли операчилар иштирокида махсус экспедициялар

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI DAVLAT XIZMATLARI AGENTLIGI

ва танлов комиссияларини юбориш орқали ноёб иқтидорга эга ёшларни аниқлаш;

аниқланган иқтидорли ёш ижодкорлар ва жамоаларни нуфузли халқаро танловларга тайёрлаш мақсадида улар учун махсус мураббийлик (coaching) курслари, саҳна маданияти ва халқаро танлов талаблари бўйича мақсадли тайёргарлик машғулотларини ташкил этиш;

ҳомий жисмоний ва юридик шахсларнинг хайриялари ҳамда қонуний тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромадлар ҳисобига ижодкорларни доимий молиявий қўллаб-қувватлаш;

ҳар йилнинг якунида бирлашманинг йиллик ҳисоботи, йил давомида яратилган энг йирик ва сифатли асарлар намойиши ҳамда соҳадаги муаммолар муҳокамасига бағишланган, ҳудудий делегатлар иштирок этадиган йиғилишлар ташкил этиш.

2.3. Бирлашма зарур ҳолларда қонунчиликда белгиланган тартибда ўз қошида тадбиркорлик фаолиятини олиб борувчи тузилмалар тузиши мумкин.

2.4. Бирлашма ўз мақсад ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Кинематография агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази, Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ва бошқа олий, ўрта махсус ўқув юртлари, нашриётлар ва мусиқа, маънавият, маданият ва санъат соҳаларидаги бошқа ҳар қандай ташкилот ва муассасалар билан маданий алоқаларни ривожлантиради.

2.5. Махсус лицензия талаб этилган фаолият турлари бирлашма томонидан тегишли давлат органларидан лицензия олингандан кейин қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Бирлашманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Бирлашма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бирлашма аъзоларининг, шу жумладан, соҳа вакилларининг (уларнинг ариза ёки мурожаатлари мавжуд бўлганда) ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

бирлашма аъзоларини ҳамда миллий маданиятимизни тарғиб қилиш ва уни асраб авайлаш, соҳада эътироф этиладиган ютуқларга эришганларни

DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI

хайриялар, ҳомийлар хайриялари ва меценатлик кўмаги ҳисобидан рағбатлантириш;

ижтимоий-маданий соҳанинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув ташкилотларига таклифлар киритиш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув ташкилотларининг қарорлари ва дастурларини ижро этилишида қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

бирлашма ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш ва белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларини таъсис этишда ва лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган асосида матбаа ва ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

уставда белгиланган тартибда ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;

ўз фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича йиғилишлар, конференциялар, халқаро семинарлар, форумлар, давра суҳбатлари ва бошқа турли маданий тадбирлар ўтказиш;

ўз мақсад ва вазифаларига мос келадиган доирада қонунчиликда белгиланган тартибда халқаро ҳамда хорижий давлатлардаги ушбу соҳа вакиллари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини давлат органлари, судлар ва бошқа жамоат ташкилотларида ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари, шунингдек, туман ва шаҳарларида бирлашманинг ҳудудий бўлимларини ташкил этиш;

бирлашма фаолияти мақсадига доир ижодий, илмий дастурлар, тавсияномалар тайёрлаш;

устав мақсадларига мос келадиган доирада қонунчиликда белгиланган тартибда Креатив индустрия парки резиденти сифатида рўйхатдан ўтган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;

устав мақсадларига мос келадиган доирада қонунчиликда белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;

ўз мулкида бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа турдаги ашёларга эга бўлиш ҳамда уларни ижарага бериш (ижарага олиш);

опера санъати, маданият соҳаси ва муаллифлик ҳуқуқини такомиллаштиришга оид қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари бўйича давлат органларига ижтимоий ташаббуслар ва таклифлар киритиш;

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
RO'YXATGA OLINDI

бирлашма аъзоларининг дам олиши, саёҳатга чиқиши ва соғломлаштириш санаторияларида даволанишида (тўлиқ ёки қисман) ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уй-жойларини таъмирлаш ва уй-жой билан таъминлаш мақсадида ҳомий ташкилотлари билан ҳамкорлик ишлари, шунингдек, тиббиёт хизматларини яхшилаш масалаларини йўлга қўйишда иштирок этиш;

бирлашманинг фахрий аъзоларига ғамхўрлик кўрсатиш;

давлат ижтимоий буюртмалари, субсидиялари ҳамда республика ёки халқаро грант лойиҳаларини ютиб олиш учун ўтказиладиган танловларда мустақил иштирок этиш;

ўзбек опера ижрочиларининг асарларини, нота тўпламларини, дарсликлар ва мусиқий-илмий монографияларни қонуний равишда чоп этиш ва тарқатишда кўмаклашиш.

Бирлашма қонунчилик ҳужжатлари ва уставида белгиланган вазифаларини амалга оширишда бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

3.2. Бирлашманинг мажбуриятлари:

ўз фаолиятини амалга оширишда қонунчилик ҳужжатлари ва уставига риоя қилинишини таъминлаш;

бирлашма томонидан ўтказилаётган тадбир ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилади ва уларга эркин кириш имконини бериш;

рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ҳисоботларни белгиланган тартиб ва муддатда тақдим этиш;

мол-мулки ва маблағларидан мақсадсиз фойдаланишига йўл қўймаслик;

ўз мажбуриятлари бўйича мулки ва маблағлари билан жавобгар бўлиш;

ишлаб чиқариш ва бошқа тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадларини аъзолари ўртасида тақсимламасдан, фақат устав вазифаларини бажариш учун фойдаланиш;

бирлашма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлади.

4. Бирлашма аъзолигига қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш

4.1. Бирлашма уставини тан оладиган, 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, уставда белгиланган вазифаларни бажаришда фаол қатнашадиган, миллати, дини, тили, шахсий ва ижтимоий аҳволидан қатъий назар опера хонандалари, дирижёрлар, режиссёрлар, либреттонавислар, оркестр созандалари, саҳна рассомлари, мусиқа педагоглари, вокал устозлари, профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва соҳанинг бошқа вакиллари бирлашма аъзоси бўлиши мумкин.

DAVLAT RO'YXATIDA OLINDI -2-

70 ёшдан ошган, Ўзбекистон опера санъати ривожига улкан ҳисса қўшган ижодкорлар бирлашманинг фахрий аъзоси сифатида қабул қилиниши мумкин.

4.2. Бирлашмага аъзолик ихтиёрий бўлиб, номзодни бирлашмага қабул қилиш масаласи унинг аризасига мувофиқ кўриб чиқилади.

4.3. Бирлашма аъзолигига қабул қилиш, аъзоликдан тўхтатиш ва аъзоликдан чиқариш ижрочи директорнинг қарорига асосан амалга оширилади.

4.4. Номзодга бирлашма аъзолигига қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида бошқарув кенгашининг қарори билан тасдиқланган шаклдаги, тартиб рақами ва берилган санаси қайд этилган, ижрочи директор томонидан имзоланган ва муҳрланган ёки QR-код билан тасдиқланган электрон муддатсиз аъзолик гувоҳномаси берилади.

4.5. Бирлашманинг барча аъзолари тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

4.6. Бирлашма аъзолигига қабул қилиниши рад этилган, шунингдек, бирлашма аъзолигидан чиқарилган ижодкор қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган тартибда ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

4.7. Бирлашмага қабул қилинган аъзо учун аъзолик бадали белгиланиши мумкин, бунда унинг миқдори ва уни тўлаш тартиби тўғрисидаги низом Бошқарув кенгаши томонидан тасдиқланади.

4.8. Қуйидагилар бирлашмага аъзоликни тўхтатилишига ёки аъзоликдан чиқарилишга асос бўлиши мумкин:

бирлашма аъзосининг аъзоликдан чиқиш ҳақидаги аризаси;

бирлашма устави қоидаларининг бирлашма аъзоси томонидан қўпол равишда бузилиши;

кўп йил мобайнида ижодий фаолият кўрсатмаслик (касаллик ва кексалик оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотиш ҳолатлари каби узрли сабаблардан ташқари);

бошқа мамлакатга кўчиб кетиш;

бошқа давлат фуқаролигини қабул қилиш;

бирлашма аъзосининг вафоти.

4.9. Бирлашма аъзолигидан мажбурий тартибда чиқариш ижрочи директор қарори асосида амалга оширилади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI
-2-

5. Бирлашма аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. Бирлашма аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бирлашма ишларини бошқаришда иштирок этиш, унинг раҳбар органларига сайлаш ва сайланиш;

бирлашма ва унинг Бошқарув кенгаши фаолияти ҳақида маълумотлар олиш;

ўз асарларини бирлашма Бошқарув кенгашларида муҳокамага қўйиш;

бирлашма фаолиятига доир ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини бошқарув кенгаш йиғилишларида билдириш;

ўз фаолияти юзасидан ўтказилаётган ёки асарлари ёхуд хулқ-атвори муҳокама қилинаётган кенгашларда шахсан қатнашиш, фикр билдириш;

муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, асарларини ижро қилиш каби масалалар юзасидан ҳуқуқий ёрдам сўраб мурожаат қилиш;

бирлашма аъзолигини вақтинча тўхтатиш ва ижтимоий ҳимояланиш;

бирлашма аъзолигидан ихтиёрий чиқиш.

5.2. Бирлашма аъзолари қонун ҳужжатлари ва бирлашма уставига зид келмайдиган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5.3. Қуйидагилар бирлашма аъзоларининг мажбуриятлари ҳисобланади:

бирлашма раҳбар органларининг қонуний қарор ва топшириқларини бажариш, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда мазкур устав қоидаларига риоя этиш;

ўз ижодий салоҳиятини юксак даражада намоён этишга интилиш, мунтазам ўз устида ишлаб, касбий маҳоратини ошириб бориш;

бирлашма фаолиятида мунтазам иштирок этиш;

бирлашма нуфузини ва обрў-эътиборини оширишга ҳисса қўшиш;

бирлашма аъзоси деган номни қадрлаш ва унга муносиб бўлиш;

барча халқлар ва элатлар тилига, маданиятига, миллий анъаналарига ҳурмат билан ёндашиш, миллатлараро ва динлараро адоватни авж олдиришга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатга қарши туриш.

5.4. Бирлашма аъзолари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятга ҳам эга бўлиши мумкин.

6. Бирлашманинг раҳбар органлари ва уларнининг ваколатлари

6.1. Бирлашма тузилмаси – унинг марказий аппарати ва ҳудудий бўлимларни ўз ичига олади.

Бирлашманинг раҳбар органлари қуйидагилар ҳисобланади:

Конференция;

Бошқарув кенгаши;

Тафтиш комиссияси.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI
-2-

Бирлашмада ижодий раҳбар ва ташкилий масалаларни ҳал этишда кўмаклашувчи ҳамраҳбар фаолият олиб боради.

6.2. Бирлашма аъзоларининг Конференцияси бирлашманинг **олий коллегиал органи** ҳисобланади.

Бирлашманинг Бошқарув кенгаши аъзолари Конференция томонидан сайланиб тасдиқланадиган **ижро органи** ҳисобланади.

6.3. Конференция ҳар беш йилда камида бир маротаба чақирилади. Конференцияни чақириш, чақирилиш вақти, жойи ҳамда кун тартибининг лойиҳаси Бошқарув кенгаши томонидан 10 кун олдин матбуотда, оммавий ахборот воситалари орқали ҳам эълон қилинади.

Конференциянинг таъсис йиғилиши унинг ташаббускорлари томонидан чақирилади, кейинги йиғилишлар аъзолар, Бошқарув кенгаши ва Тафтиш комиссияси томонидан мазкур Устав талабларига асосан чақирилади.

Конференция унда сайланган иштирокчиларнинг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Зарур ҳолларда Конференция навбатдан ташқари чақирилиши мумкин. Бунда Конференция Бошқарув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки бирлашма аъзоларининг камида тўртдан бир қисми имзолаган ёзма талабномага асосан чақирилади.

6.4. Конференция иштирокчилари Бошқарув кенгаши томонидан белгиланган квоталарга мувофиқ тегишли ҳудудий бўлимларнинг умумий йиғилишида сайланади. Квоталар қонунийлик, ошкоралик, ўзини ўзи бошқариш, тенгҳуқуқлилик ва ихтиёрийлик тамойилларига мувофиқ, конференциядан олдин бирлашманинг мавжуд аъзолари сонидан келиб чиққан ҳолда ҳаракатдаги бошқарув кенгаши томонидан белгиланади.

6.5. Конференциянинг мутлақ ваколатига қуйидагилар киради:

Бошқарув кенгашини ва бирлашма раисини беш йил муддатга сайлаш, бирлашма раисини лавозимидан озод этиш;

бирлашма фаолиятининг асосий йўналишларини ва узоқ муддатли, муҳим дастурларини белгилаш;

бирлашма уставини тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Бошқарув кенгаши, бирлашма раисининг ҳисоботларини эшитиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;

бирлашмани қайта ташкил этиш ёки унинг фаолиятини тугатиш;

бирлашма фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

6.6. Бошқарув кенгаши тенг ҳуқуқлилик ва қонунийлик тамойилларга асосланган ҳолда, Конференция томонидан сайланади.

Бошқарув кенгаши умумий таркиби 3 кишидан иборат бўлади. Бунда Бошқарув кенгашининг таркиби раис (бирлашма раиси), ҳамраис ва 1 нафар маданият ходимидан иборат бўлади.

DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI

Бошқарув кенгаши йиғилиши бирлашма раисининг қарори билан бир йилда камида 1 (бир) маротаба ўтказилади.

Зарур ҳолларда Бошқарув кенгашининг учдан икки қисмини ташкил этувчи аъзолари таклифи (талаби) билан Бошқарув кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши чақирилади.

6.7. Бошқарув кенгаши унинг аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Бошқарув кенгашининг қарорлари очиқ ва кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

6.8. Бошқарув кенгашининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бирлашма фаолияти устидан умумий назоратни амалга оширади;

бирлашманинг ташкилий тузилмасини, штатлар жадвалини, йиллик молиявий харажатлари сметасини тасдиқлайди ҳамда мол-мулки ва пул маблағларини устав мақсадларида тасарруф қилади, уларнинг оқилона фойдаланилишини мониторинг қилади;

ички меҳнат тартиб қоидаларини тасдиқлайди, бирлашма аппарати тузилиши ва ходимлар сонини белгилайди, локал ва ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

Конференция оралиғидаги даврда бирлашма фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

ижрочи директорни лавозимга тайинлайди ва озод қилади;

ҳудудий бўлимларни ташкил этади, қайта ташкил этади ва тугатади, шунингдек, уларга раҳбарларни тайинлайди ва озод қилади;

бирлашманинг ҳудудий бўлимлари низомларини тасдиқлайди;

бирлашманинг ҳудудий бўлимларига амалий ёрдам кўрсатади;

Конференцияни чақиради, унинг кун тартиби лойиҳасини белгилайди, Конференция қарорларининг ижросини ташкил этади;

бирлашма рамзларини тасдиқлайди;

қонунчиликда белгиланган тартибда мусиқий жамоалар (оркестрлар, ансамбллар, ижодий студиялар), нашриёт ҳамда даврий нашрлар (журналлар, нота тўпламлари, хабарномалар)ни таъсис этади;

муассислигида юридик шахсларни ташкил этади ва тугатади;

бирлашма раиси ўз лавозимидан озод этиш тўғрисида ариза берган, бошқа ишга ўтган ёки бошқа сабабларга кўра ўз вазифасини бажара олмайдиган ҳолларда Бошқарув кенгаши аъзолари орасида бирлашма раиси вазифасини бажарувчини сайлайди ва уч ойлик муддатда бирлашма раисини сайлаш учун Конференция чақиради.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI

6.9. Бошқарув кенгаш раиси бир пайтнинг ўзида бирлашма раиси ҳисобланади ва унинг ваколатларини амалга оширади.

6.10. Бошқарув кенгаши опера санъатининг жанрлари (симфоник, камера, мақом-опера), вокал санъати, халқаро алоқалар ва рақамли экотизим бўйича таниқли ва тажрибали ижодкорлардан, композитор ва олимлардан таркиб топади. Бўлимлар бошқарув кенгаши томонидан тасдиқланган махсус дастурлар ва йиллик режалар бўйича иш олиб боради.

6.11. Бирлашма раисининг (ижодий раҳбарнинг) вазифлари қуйидагилардан иборат:

соҳадаги янги иқтидорларни юзага чиқаради;

бирлашманинг ёшлар ташкилотлари, мусиқий ўқув юртлари (Ўзбекистон давлат консерваторияси, ихтисослаштирилган мусиқа мактаблари, маданият ва санъат таълим муассасалари), филармониялар, мусиқали ва опера театрлари, кинематография ҳамда концерт-томоша ташкилотлари, шунингдек, мусиқа санъатига дахлдор бошқа давлат ва жамоат муассасалари, ижодий уюшмалар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини амалга оширади;

Бошқарув кенгаши фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

Конференция ва Бошқарув кенгаши мажлисларини олиб боради;

бирлашманинг хорижий ташкилотлар, давлат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан алоқаларини мувофиқлаштиради;

бирлашманинг ташкилий, ижодий, ижтимоий ва ёш ижодкорлар масалаларига доир дастурий вазифаларининг сифатли ва самарали бажарилишини ташкил этади.

Қонунчилик ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа ваколатларниҳам амалга оширади.

6.12. Бирлашма ҳамраисининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бирлашма ҳамда унинг йўналишига мос ижодкорлар ва жамоалар фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда уларни молиявий қўллаб-қувватлайди, бирлашмани молиялаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

бирлашма йўналиши бўйича маҳалла – туман – вилоят – республика даражасидаги танловлар ва маданий тадбирларнинг йиллик режа-графигини бирлашма раиси (ижодий раҳбар) билан биргаликда тасдиклайди ҳамда уларни ташкил қилади;

халқаро ва республика танловлари ғолиб ва совриндорларининг гастроль сафарларини ташкил этишга ҳамда халқаро фестиваль ва танловларда иштирок этишига кўмаклашади;

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI DAVLAT RO'YXATIDAN OLINDI

ўзи бевосита раҳбар бўлган муассаса (ташкилот, корхона) ва унинг тизим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бирлашмага маблағ йўналтиришга таклиф киритади.

6.13. Ижрочи директорнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бирлашманинг ташкилий, ижодий, маърифий масалаларга доир дастурий вазифаларини бажаради;

Конференция ва Бошқарув кенгаши қарорлари, бирлашма раиси ва ҳамраис топшириқлари ижросини таъминлайди;

давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва муассасалар билан бўлган муносабатларда бирлашма номидан ишончномасиз ҳаракат қилади;

давлат муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан боғлиқ фаолиятни мувофиқлаштиради:

Конференция ва Бошқарув кенгаши мажлисларини ташкил этади ва олиб боришга кўмаклашади;

меҳнат қонунчилигига мувофиқ иш берувчи ваколатларини амалга оширади, бирлашма ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва уларни бекор қилади, бирлашманинг ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради;

бирлашманинг ҳудудий бўлимларига ташкилий-услубий ёрдам кўрсатади;

бирлашманинг таркибий тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштиради;

бирлашманинг ижодкорлар билан боғлиқ фаолиятини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

бирлашманинг хўжалик-молиявий ва банк ҳужжатларини имзолайди, пул маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлайди.

Ижрочи директор қонунчилик ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

7. Тафтиш комиссияси

7.1. Конференция томонидан уч кишидан иборат 5 йил муддатга бирлашманинг тафтиш комиссияси таркиби шаклантирилади.

Конференция Тафтиш комиссияси аъзолари орасидан унинг раисини сайлайди.

Тафтиш комиссияси Конференция қарорларининг ижросини ҳамда бирлашманинг молиявий-хўжалик фаолияти, бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботларининг юритилишини назорат қилади ва текширади.

7.2. Тафтиш комиссияси бирлашма фаолиятини олти ойда камида бир маротаба текширувдан ўтказади. Тафтиш комиссияси ўтказилган текшириш

DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI -2-

натижаси бўйича Бошқарув кенгашига (конференциялар оралиғи даври текшириш натижалари бўйича эса Конференцияга) ҳисобот беради.

7.3. Тафтиш комиссияси аъзоси бирлашманинг бошқа раҳбар органларига аъзо бўла олмайди.

8. Бирлашманинг мол-мулки ва маблағларини шакллантириш манбалари

8.1. Бирлашма ва ҳудудий бўлимлари ўз фаолиятлари натижасида тўпланган ва бошқа манбалардан олинган мулкнинг (бирлашма аъзолари ва бирлашмага ҳомийлик қилган юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилган мулкларнинг) эгасидир ҳамда ўз мулкига қонунларга асосан эгалик қилади, фойдаланади ва тасарруф қилади. Бирлашма муассислигида қонунда белгиланган тартибда ташкил этилган юридик шахсларнинг мулки ва маблағларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш бошқарув кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

8.2. Бирлашма ва унинг ҳудудий бўлимлари мол-мулки ва маблағларини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

аъзолик бадаллари;

давлат грантлари;

давлат субсидиялари;

давлат ижтимоий буюртмаси;

жамоат ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган хайриялар, ҳамраис ўзи бевосита раҳбар бўлган муассаса (ташкилот, корхона) ва унинг тизим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бирлашмага ажратилган маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар.

Бирлашма бинолар, иншоотлар, автотранспортлар, маданий-тарғибот ва соғломлаштириш воситалари, пул маблағлари ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек, бошқа мол-мулкларга эга бўлиши мумкин.

8.3. Бирлашманинг хўжалик фаолиятидан олинган даромадлари аъзолар ва таъсисчилар ўртасида тақсимланмайди ва ундан бирлашма уставида кўрсатилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун фойдаланилади.

9. Бирлашманинг ҳисоб ва ҳисоботи

9.1. Бирлашма ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

DAVLAT RO'YXATIGA OLINDI

10. Бирлашма уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

10.1. Бирлашма уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш Конференция қарори билан амалга оширилади.

10.2. Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда белгиланган тартибда Адлия вазирлигида қайта рўйхатдан ўтказилади.

11. Бирлашмани қайта ташкил этиш ҳамда унинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ва тугатиш

11.1. Бирлашмани қайта ташкил қилиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) Конференция қарори билан амалга оширилади.

11.2. Бирлашма фаолияти у Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларини бузган тақдирда суд томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

11.3. Бирлашмани тугатиш Конференция қарори билан ёки қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда суднинг қарори асосида амалга оширилиши мумкин. Бирлашмани тугатиш тартиби ва муддатлари Конференция қарорига асосан ёки суд томонидан белгиланади.

11.4. Бирлашмани тугатиш Конференция ёки суд томонидан рўйхатга олувчи орган билан келишилган ҳолда тайинланадиган тугатиш комиссияси томонидан амалга оширилади. Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан унга бирлашманинг ишларини бошқариш ваколати ўтади.

11.5. Тугатиш комиссияси бирлашманинг тугатилиши ҳақида оммавий ахборот воситаларида хабар беради.

11.6. Тугатиш комиссияси бирлашманинг мулкини баҳолайди, дебитор ва кредиторларни аниқлайди, улар билан ҳисоб-китоб қилади.

11.7. Бирлашманинг қолган мулки бирлашма ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашдан, қонунларда кўрсатилган мажбуриятлар бажарилгандан сўнг бирлашма уставида кўрсатилган вазифаларни бажаришга сарфланади.

11.8. Бирлашма давлат реестрига тегишли ёзувлар киритилган пайтдан бирлашма тугатилган ёки қайта ташкил этилган ҳисобланади.

Бирлашма раиси: **А. Раджабов**